

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ
КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

СУЛТОНОВ БОХОДИР ЭЛБЕКОВИЧ

**МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ ПАСТ НАВЛИ ФОСФОРИТЛАРИНИ
ЮҚОРИ САМАРАДОР ВА ТЕЖАМКОР УСУЛДА КИМЁВИЙ
БОЙИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2017 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)
Content of the abstract of dissertation doctor of science

Султонов Боходир Элбекович

Марказий Қизилқум паст навли фосфоритларини юқори самарадор ва тежамкор усулда кимёвий бойитиш технологияси..... 3

Султонов Боходир Элбекович

Высокоэффективная и ресурсосберегающая технология химического обогащения низкосортных фосфоритов Центральных Кызылкумов..... 29

Sultonov Bokhodir Elbekovich

High-performance and resource-saving technology of chemical enrichment of Central Kyzylkum low-grade phosphorite..... 55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ
КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

Султонов Боходир Элбекович

**МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ ПАСТ НАВЛИ ФОСФОРИТЛАРИНИ
ЮҚОРИ САМАРАДОР ВА ТЕЖАМКОР УСУЛДА КИМЁВИЙ
БОЙИТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ**

02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2017 йил

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/T1 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида www.ionx.uz ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Закиров Бахтиёр Собиржанович
кимё фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

Дадаходжаев Абдулло Турсунович,
техника фанлари доктори, профессор,

Искандарова Мастура Искандаровна
техника фанлари доктори, профессор,

Жуманиязов Максуд Жабблевич,
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Фарғона политехника институти

Диссертация ҳимояси Умумий ва ноорганик кимё институти ва Тошкент кимё-технология институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.K/T.35.01 рақамли Илмий кенгашнинг «21» 07 2017 йил соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (+99871) 262-56-60; факс: (+99871) 262-79-90, e-mail: ionxanruz@mail.ru).

Диссертация билан Умумий ва ноорганик кимё институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (2 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек кўчаси, 77-а. Тел.: (99871) 262-56-60).

Диссертация автореферати 2017 йил «10» 07 куни тарқатилди.
(2017 йил «20» 07 даги № 1 рақамли реестр баённомаси).



Б.С. Закиров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, к.ф.д.

Д.С. Салиханова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш котиби, т.ф.д.

С.Тухтаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, к.ф.д., профессор, академик

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирда дунёда экинга яроқли ерларни камайиши ва аҳолини ўсиши туфайли озиқ-овқат муаммоси кучаймоқда. Шу жиҳатдан озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги саноатининг устувор вазифаларидан бири аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашдан иборат. Бу ўринда қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришнинг асосий омилларидан бири бўлган минерал ўғитлар ишлаб чиқаришга катта эътибор берилмоқда.

Мустақилликка эришгандан кейин мамлакатимизда мавжуд бўлган хом ашё ресурслари асосида янги техник ечим ва технологияларни қўллаш орқали сифатли фосфат хом ашёси тайёрлашга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан «Мавжуд бўлган фосфат хомашёсини бойитиш бўйича ишлаб чиқаришни кенгайтириш» лойиҳасини амалга ошириш доирасида Қизилқум фосфорит комбинатида (КФК) ювиб куйдирилган фосфорит концентрати (ЮКФК) ишлаб чиқариш қуввати ўртача 26% P_2O_5 тутган 716 минг тоннагача оширилди. Бу эса фосфорли ўғитлар ишлаб чиқарувчи корхоналарини сифатли фосфорит хом ашёси билан таъминланишига имкон бермоқда.

Жаҳонмиқёсида паст навли фосфоритларни бойитишнинг янги усуллари ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада амалга оширилаётган илмий изланишларда нитрат ва хлорид кислоталаридан фойдаланиб юқори сифатли фосфорит концентрати олиш технологиясини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Паст навли фосфоритларини бу кислоталар билан бойитиш технологиясини ишлаб чиқишда қатор, жумладан, куйидаги йўналишларда тегишли илмий ечимларни асослаш зарур: паст навли фосфат хом ашёсини кимёвий бойитишнинг самарали усуллари ишлаб чиқиш; юқори карбонатли фосфоритларини нитрат ва хлорид кислотаси билан бойитишда ҳосил бўладиган кальций нитрати ва хлоридини фосфоконцентратдан ажратиб олиш жараёнини мақбул шароитларини аниқлаш; кимёвий бойитилган сифатли фосфоконцентратдан экстракцион фосфат кислота, преципитат ва фосфорли ўғитлар олиш технологияларини яратиш. Диссертация мавзусининг долзарблиги ушбу йўналишларда илмий изланишларни амалга ошириш билан изоҳланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чоратадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 22 январдаги 8-сон «Саноатда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришга ва маҳсулот таннархини пасайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи¹. Фосфат хом ашёни бойитиш ва концентратини қайта ишлаш асосида оддий ва комплексли фосфорли ўғитлар олиш бўйича йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ҳамда олий таълим муассасалари, жумладан Florida Industrial and Phosphate Research Institute (АҚШ), Engineering Dobersek GmbH (Германия), Fertilizer Research Institute (Польша), The Chemical Society of Japan (Япония), University of Science and Technology (Хитой), Department of Chemistry (Ҳиндистон), Department of Mining & Metallurgical Engineering (Эрон), «ФосАгро-Череповец» АЖ қошидаги «Ўғитлар ва инсектофунгицидлар илмий-тадқиқот институти» АЖ (Россия) ҳамда Умумий ва ноорганик кимё институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Фосфат хом ашёсини бойитиш усуллари ишлаб чиқиш ҳамда уларни такомиллаштиришга доир жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида қатор, жумладан, қўйидаги натижалар олинган: флотореагентлар ёрдамида апатит рудасидаги қўшимчалардан фосфат минерали ажратиб олишда флотацион бойитиш усули ишлаб чиқилган (Florida Industrial and Phosphate Research Institute, АҚШ; «ФосАгро-Череповец» АЖ қошидаги «Ўғитлар ва инсектофунгицидлар илмий-тадқиқот институти» АЖ, Россия); фосфорит рудаларини юқори ҳароратда (900-1000°C) бойитишнинг усули яратилган (Department of Chemical Engineering, Иордания; Engineering Dobersek GmbH, Германия); фосфат хом ашёсини биофлотацион, биосорбцион, биоконверсион, биофаоллаштириш ва биокимёвий усулларни ўз ичига олган микробиологик бойитиш усули ишлаб чиқилган («ФосАгро-Череповец» АЖ қошидаги «Ўғитлар ва инсектофунгицидлар илмий-тадқиқот институти» АЖ, Россия); фосфоритларни механик усулда бойитиш технологиясини илмий асослари яратилган (University of Science and Technology, Хитой).

Дунёда апатит ва фосфорит рудаларини турли хил усулларда бойитиш бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: фосфат хом ашёсини минерал кислоталар (нитрат, хлорид ва фосфат кислоталари ёрдамида) ёрдамида бойитиш усуллари ишлаб чиқиш; фосфоритни флотацион бойитиш жараёнида қўлланиладиган янги флотореагентлар яратиш; юқори карбонатли фосфоритларни кислоталар билан бойитишда ҳосил бўладиган кальцийли тузларни айланма эритмалар иштирокида ажратиш усуллари ишлаб чиқиш; карбонатли фосфат хом ашёсини термик бойитиш усулини янада такомиллаштириш; фосфорит

¹Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: <https://www.fipr.state.fl.us>, <https://www.dobersek.com>, <https://www.ichp.pl>, <https://www.csj.jp>, <https://en.ustc.edu.cn>, <https://chem.iitm.ac.in>, <https://dmpe.aut.ac.ir>, <https://www.niuif.ru>, <https://www.ionx.uzva> бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

концентратини минерал ўғитларга қайта ишлашнинг янги технологияларини яратиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Илмий-техник адабиётларда юқори карбонатли МК фосфоритларини минерал кислоталар ёрдамида кимёвий бойитиш бўйича кенг маълумотлар манбаи мавжуд (Набиев М.Н., Кармышов В.Ф., Амирова А.М., Намазов Ш.С., Мадалиева С.Х., Паганяс И.К., Пягай А.Г.). Аммо Қизилқум фосфоритларидаги карбонатларни минерал кислоталар эритмалари ёрдамида танлаб йўқотишга уринишлар ижобий натижа бермаган, модомики бу кислоталар бир вақтнинг ўзида фосфат минералини ҳам эритади.

Дунёдаги кўпгина тадқиқотлар турли фосфоритларни органик кислоталар ёрдамида кимёвий бойитишга бағишланган (Григорян Г.О., Ashraf M., Zafar Z.I., Ansari T.M., Gharabaghi M., Irannajad M., Noaparast M.). Бу бойитиш усули арзондай туюлсада маҳаллий органик кислота ва уларни регенерация қилиш нархларига боғлиқ бўлган ҳолда ҳар бир фосфат рудаси учун иқтисодий баҳолашни талаб этади.

Юқори карбонатли МК фосфоритларини нитрат кислотали бойитишни этанол ёрдамида олиб бориш технологияси (Дехқанов З.Қ., Намазов Ш.С.) бир қатор камчиликларга эга: технологияни мураккаблиги; филтрланиш тезлигини камлиги; олинган фосфоконцентрат таркибида кўп миқдорда $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ ни қолиб кетиши; уни ажратишда тез алангаланувчан этил спиртини ишлатилиши ва фосфоконцентратни ювиш учун этанолни циклга қайтариш зарурати ҳисобига кўшимча энергияни сарфланишидир.

Бу бойитиш технологиясини асосий моҳияти шундан иборатки, фосфоритларни нитрат кислотали парчалаш маҳсулотларидан $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ ни этанол билан эмас балки аввал $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ нинг айланма эритмаси билан, кейин эса сув билан ажратиб олинади. Бунда фосфорит концентратини сифати сезиларли даражада яхшиланади ва технологик схема қисқаради. Илмий-техник адабиётларда Қизилқум фосфоритларни нитрат ва хлорид кислоталари ёрдамида бойитиш, кейинчалик бўтқадан кальций нитрат ва хлоридларни $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$, CaCl_2 эритмалари ва сув ёрдамида ажратиб олиш бўйича маълумотлар мавжуд эмас.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-А12-Т171 рақамли «Марказий Қизилқум фосфоритларини кимёвий бойитишнинг самарадор, ресурстежамкор технологиясини ишлаб чиқиш ва юқори концентранган фосфорли ўғитлар олиш» (2012-2014 йй.), ФТҚФ Т.4-14 рақамли «Ўғитли преципитат олиш жараёнларини физик-кимёвий асосларини ишлаб чиқиш» (2014-2015 йй.) ва ФА-Ф12-138 «Паст сифатли Марказий Қизилқум фосфоритларини хлорид кислотали қайта ишлаш асосида ўғитли преципитат олиш технологиясини ишлаб чиқиш» (2015-2017 йй.) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Марказий Қизилқум паст навли фосфоритлари ва уларнинг чиқиндиларини нитрат ва хлорид кислоталари ёрдамида кимёвий бойитишнинг самарадор ва тежамкор технологияларини ишлаб чиқиш ва олинган фосфорит концентратини ўғитли преципитат ва комплекс ўғитларга қайта ишлашданиборат.

Тадқиқот вазифалари:

МҚ фосфоритларини нитрат ва хлорид кислоталар билан бойитишнинг мақбул шароитларини топиш;

МҚ фосфоритларини хлорид кислотали бойитишда кўпик ҳосил бўлиш жараёнларини ўрганиш;

олинган кимёвий бойитилган фосфорит концентратларни (КБФК) седиментацион таҳлил этиш;

К-9 ва полиакриламид (ПАА) коагулянтларининг нитрокальцийфосфат ва хлоридкальцийфосфат суспензияларини филтрланиш тезлигига таъсирини ўрганиш;

кимёвий бойитилган фосфоконцентратларнинг баъзи физик-кимёвий хоссаларини аниқлаш;

бойитилган фосфоконцентратдан дигидратли усулда ЭФК олиш жараёнларини ўрганиш. Асосий технологик катталикларнинг КБФК ни парчаланиш, P_2O_5 ни ажратиб олиш, ювилиш даражаси ва технологик чиқишига таъсирини аниқлаш;

МҚ фосфоритларини бойитишда ҳосил бўладиган нитрокальцийфосфат суспензиялари асосида комплекс ўғитлар олиш жараёнини тадқиқ қилиш;

КБФК асосида ўғитли преципитат ва аммоний тузлари иштирокида NP-ўғитлар олиш жараёнларини ўрганиш;

кимёвий бойитилган фосфорит концентратлари олиш жараёнларини лаборатория ва йириклаштирилган курилмаларда синовдан ўтказиш;

КБФК ишлаб чиқариш технологиясини яратиш, материал оқими ва уларни ишлаб чиқишга тадбиқ этишнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш.

Тадқиқотнинг объекти: МҚ фосфоритлари, нитрат, хлорид ва сульфат кислоталари, нитрокальцийфосфат суспензияси (НКФС) ва хлоридкальцийфосфат суспензияси (ХКФС), КБФК, ЭФК, ўғитли преципитат, аммоний тузлари, оддий ва мураккаб фосфорли ўғитлар.

Тадқиқотнинг предмети. МҚ фосфоритларни бойитиш ва КБФК ни ЭФК, оддий фосфорли ва мураккаб ўғитларга кимёвий қайта ишлаш жараёнлари.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда кимёвий (аналитик кимё), физик-кимёвий таҳлил усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

биринчи мартаба юқори карбонатли МҚ фосфоритларини нитрат кислотаси билан бойитиш, ҳосил бўлган кальций нитратни НКФС ни филтрлаш орқали ажратиш ва нам фосфорит концентратини айланма $Ca(NO_3)_2$ эритмаси ва сув билан ювиш мумкинлиги кўрсатилган, ҳамда фосфорит концентрати таркибини нитрат кислота меъёри ва

концентрациясига, фосфоритни 10% ли кальций нитрат эритмаси, сувга оғирлик нисбати ва ювиш карралигига ўзаро боғлиқлиги аниқланган ва турли навли Қизилқум фосфоритларини бойитишни мақбул шароитлари топилган;

минераллашган массани хлорид кислотали бойитишдаги кўпикланиш жараёнларига хлорид кислота меъёри, концентрацияси ва айлантиргич тезлигини таъсири тўғрисида янги илмий маълумотлар олинди, юқори P_2O_5 ва кичик кальцийли модулга эга бўлган фосфорит концентратлари олиш жараёнларининг мақбул шароитлари топилган;

ўғитли преципитат таркибини HCl ни меъёри, концентрацияси, чўктирувчи $Ca(OH)_2$ ни меъёри ва фосфорит: H_2O нинг оғирлик нисбатларига ўзаро боғлиқ муносабатлари аниқланган;

бойитилган фосфоритларни аммоний тузлари билан фаоллаштириш асосида мураккаб-аралаш ўғитлар олишни самарадор технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

МҚ фосфоритларини нитрат ва хлорид кислотаси билан кимёвий бойитишда кичик кальций модулига эга бўлган КБФК олинади ва бу эса хом ашёни ЭФК га қайта ишлашда танқис сульфат кислота сарфини сезиларли даражада камайтириш имконини беради;

бойитиш жараёнларида чиқинди сифатида ҳосил бўлган $Ca(NO_3)_2$ эритмасини суюқ азоткальцийли ўғит сифатида ишлатиш ёки донадорланган кальций нитратга қайта ишлаш ёки бўлмаса уни CO_2 ва NH_3 ёрдамида аммоний нитрати ва бўрга айлантирилиш тавсия этилади;

хлорид кислотали бойитиш натижасида олинган КБФК самарали фосфорли ўғит – преципитат ва аммоний тузлари иштирокида мураккаб-аралаш ўғитлари ишлаб чиқариш учун асосий хом ашё сифатида ишлатилиши мумкин;

хлорид кислотали бойитиш ва преципитат олишда мос равишда Қизилқум фосфорит комбинатидаги ювиб куйдирилган фосфорит концентрати ва “Навоиазот” АЖ даги каустик сода ишлаб чиқариш чиқиндилари бўлган минераллашган масса ва хлорид кислотаси ишлатилади.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Фойдаланилган кимёвий (аналитик кимё) ва физик-кимёвий таҳлил натижалари тажриба-саноат қурилмаларида синовдан ўтганлиги билан тасдиқланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юқори карбонатли МҚ фосфоритларини нитрат ва хлорид кислоталари билан бойитиш технологияси ва юқори сифатли КБФК олишни назарий асосларини яратиш; НКФС ва ХКФС ларни филтрлаш жараёнини жадаллаштириш; хлорид кислотали бойитишда кўпикланишни бартараф этиш ва олинган КБФКларни айрим физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш; КБФК ни ЭФК га қайта ишлаш; КБФК дан ўғитли преципитат ва аммоний тузлари иштирокида NP -ўғитлар олиш жараёнларини тадқиқ этишдан иборат эканлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти МҚ фосфоритларини кимёвий бойитишнинг юқори самарадор ва тежамкор технологияси ишлаб

чиқиш, кимёвий бойитилган фосфоконцентратни фосфорли ўғитларга қайта ишлаш натижасида қишлоқ хўжалигининг минерал ўғитларга бўлган эҳтиёжини қаноатлантиради. КБФКда кальций модулни кам қўрсаткичларга эга бўлиши, ушбу хом ашёни ЭФК га қайта ишлашда сульфат кислотаси сарфини сезиларли даражада камайтириш имконини беради. Нитрат кислотали бойитишнинг қўшимча маҳсулоти сифатида айниқса шўрланган тупроқларда пахта ва бошқа экинларга жуда зарур бўлган муҳим физиологик ишқорий ўғит – кальций нитрат эритмаси олинади. Кимёвий бойитилган фосфоконцентрат экспортга йўналтирилган турли хил донадорланган ўғитлар олиш учун ишлатилиши мумкин. КБФК да юқори нисбий миқдордаги ўсимлик ўзлашувчан фосфор бўлганлиги туфайли уларни аммоний тузлари билан концентрланган мураккаб-аралаш донадор ўғитларга қайта ишлашга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. МҚ фосфоритларини нитрат ва хлорид кислоталари билан бойитиш, ҳосил бўлган фосфоконцентратни ЭФК, преципитат ва комплекс ўғитларга қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

МҚ фосфоритларини нитрат кислотаси билан бойитиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ихтиро патенти олинган (№ IAP 02846). Натижада паст навли МҚ фосфоритидаги кальций модулини 2,48 дан 1,71–1,78 гача камайтириш ва шу орқали уни қайта ишлашда ишлатиладиган ўта танқис сульфат кислотаси сарфини 35% га қисқартириш имконияти яратилади;

МҚ паст навли фосфоритларини нитрат кислотали бойитиш технологияси «Самарқандкимё» акциядорлик жамиятида амалиётга тадбиқ этилиб, янги турдаги юқори сифатли фосфат хом-ашёси олинган («Ўзкимёсаноат» АЖнинг 2017 йил 7 июлдаги 01-2805/П-сон маълумотномаси). Ушбу натижаларни амалиётга жорий қилиш фосфоконцентрат таннархини амалдаги ювиб куйдирилган фосфоконцентратидан 1,2 баробарга арзонлаштириш имкониятини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг материаллари куйидаги Халқаро ва Республика илмий-амалий конференцияларда «Europejska nauka XXI wieku - 2013» (Przemysł, Poland, 2013); V-Международная конференция студентов, аспирантов и молодых ученых по химии и химической технологии (Киев, 2014); «Перспективы науки и производства химической технологии в Узбекистане» (Навоий, 2014); «Горно-металлургический комплекс: Проблемы и их решения» (Олмалик, 2015); «The Development of Science in the 21st Century: Natural and Technical Sciences» (New York, 2015); Горно-металлургический комплекс: достижения, проблемы и современные тенденции развития (Навоий, 2015, 2016, 2017); «Перспективы развития научных исследований в 21 веке» (Махачкала, 2016); «Естественные и технические науки в современном мире» (Москва, 2016); «Ресурсосберегающие технологии переработки фосфоритов Центральных Кызылкумов в фосфорсодержащие удобрения и фосфорные соли» (Олмалик, 2016); «Актуальные проблемы аналитической химии»

(Термиз, 2017); 2017йил 5 июлда Умумий ва ноорганик кимё институти ва Тошкент кимё-технология институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.К/Т.35.01 рақамли Илмий кенгаш қошидаги 02.00.13 – Ноорганик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси ихтисослиги бўйича илмий семинарда муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларнинг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 32 та илмий иши чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан, 12 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган ҳамда 1 та ихтирога патент олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 191 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ишнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва асосий вазифалари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устивор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Қизилқум фосфоритлари: уларни бойитиш ва фосфорли ўғитларга қайта ишлаш йўллари**» деб номланган биринчи бобида МКҚ фосфоритларини тавсифи ва уларни бошқа фосфат хом ашёсидан ўзига хос фарқлари, флотацион, термик ва кимёвий бойитиш усуллари, ҳамда Қизилқум фосфоритлари ва уларни бойитилган фосфоконцентратларини фосфорли ўғитларга қайта ишлаш усуллари баён қилинган. Фосфат хом ашёсини бойитиш бўйича тадқиқотлар мажмуаси батафсил ва чуқур танқидий таҳлил қилинган ҳолда мазкур ишнинг мақсад ва вазифалари шакллантирилган.

Диссертациянинг «**Марказий Қизилқум фосфоритларини нитрат кислотаси билан кимёвий бойитиш жараёнларини тадқиқ этиш**» деб номланган иккинчи бобида Марказий Қизилқум фосфоритларини кимёвий бойитиш жараёнларини ўрганиш натажалари келтирилган. Лаборатория шароитида бойитиш жараёнларини тадқиқ этиш учун (оғир,%): 18,80 P₂O₅; 46,71 СаО; СаО:P₂O₅=2,48; 15,19 СО₂; 1,60 SO₃; 1,05 Fe₂O₃; 1,24 Al₂O₃; 1,75 MgO; 2,0 F; 0,1 Cl; ва 1,94 эримайдиган қолдиқтаркибли фосфат хом ашёсидан фойдаланинди. HNO₃ нинг меъёри фосфат хом ашёдаги (ФХА) СаСО₃ ни парчалашга нисбатан 68 дан 136,5% гача ва унинг концентрацияси эса 40 дан 60% гача олинди. Жараён нитрат кислотани паст меъёрларида олиб борилганлиги туфайликатта ҳажмдаги кўпик ҳосил бўлиши кузатилмади. Парчаланиш маҳсулотларидан Са(NO₃)₂ ни аввал кальций

нитрат эритмаси билан кейин эса сув билан ажратиб олдик. Тажрибалар асосида ювувчи кальций нитрат эритмасининг мақбул концентрацияси – 10% эканлиги топилди. Тажрибани қуйидагича олиб бордик: парчаланиш маҳсулотларига 10% ли $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ эритмаси қўшилди. ФХАни 10%-ли $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ эритмасига оғирлик нисбати 1:2,5 га тенг. Компонентлар аралашмаси аралаштирилгандан сўнг олинган бўтқани декантация орқали ажратилди. Қуюқ қисм эса ФХА: H_2O =1:2 оғирлик нисбатда сув билан ювилди. Бу ҳолатда ҳам бўтқалар декантация орқали ажратилди. Бўтқаларни тиниш вақти - 3 дақиқа. Олинган натижалар 1а-расмда келтирилган. Натижалардан кўриниб турибдики, 52,5%-ли HNO_3 нинг мақбул меъёри 90,88-108,0% ораликда бўлади. Бунда P_2O_5 нинг фосфоконцентратга чиқиш унуми 50,63-52,25% тенг бўлиб унинг таркибида 26,79-26,90% P_2O_5 , 46,64-47,30% CaO , 4,13-6,15% CO_2 бўлиб, кальцийли модуль 1,74-1,76 тенг. HNO_3 нинг келтирилган меъёри ва концентрацияларида фосфат хом ашёсини карбонатсизланиш даражаси мос равишда 85,17 дан 90,26% гача ва 79,21 дан 88,00% гача бўлади (1б-расм). Олинган тадқиқот натижалари МҚ фосфоритларини нитрат кислота билан бойитиш мумкинлигини кўрсатади. Юқори карбонатли фосфоритларни бойитиш усулига ЎзР патенти (№02846 IAP») олинган.

Юқори карбонатли МҚ фосфоритларини кимёвий бойитиш технологиясининг асосий бўғини қаттиқ ва суюқ фазаларни ажратиш ҳисобланади. Маълумки, мавжуд бўлган ажратиш усулларида иқтисодий жиҳатидан самаралироқ бўлгани бу декантация усулидир. Шунинг учун кейинги тадқиқотларда қаттиқ ва суюқ фазаларни декантация усулида ажратиш жараёнларида фосфоконцентрат сифатига тиниш вақтини таъсири ўрганилди.



1-расм. HNO_3 ни меъёри (1) ва концентрациясини (2) P_2O_5 нинг фосфоконцентратга чиқиш унумига (а) ва карбонатсизланиш даражасига (б) таъсири.

Тажрибаларни ўтказиш шароитлари қуйидагича бўлди: нитрат кислота меъёрлари 90,88 ва 102,30%, ФХА:10%-ли $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ эритмаси оғирлик нисбати 1:2,5. Тиндириш вақтлари 3 дан 10 дақиқагача бўлди. Тажриба натижалари 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

Икки босқичли ювишда фосфоконцентрат сифатига тиндириш вақтини таъсири


Таж. рақ.	HNO_3 меъёри, %	Тин. вақти, дақ.	Асосий моддалар миқдори, %					$\text{CaO}:\text{P}_2\text{O}_5$	Фосфо-концентратнинг чиқиш унуми, %	P_2O_5 ни фосфо-концентратга чиқиш унуми, %
			P_2O_5 умум.	P_2O_5 ўз.	CaO умум.	CO_2	N			
1	90,88	3	26,68	1,94	46,96	6,22	0,67	1,76	36,80	52,22
2		4	26,70	1,92	47,26	6,20	0,64	1,77	37,44	53,17
3		5	26,74	1,88	47,60	6,04	0,62	1,78	38,40	54,62
4		6	26,77	1,87	47,92	5,93	0,60	1,79	38,56	54,91
5		10	26,00	1,79	46,80	5,85	0,56	1,80	39,04	53,99
6	102,30	3	26,71	2,37	47,01	4,96	0,75	1,76	36,72	52,17
7		4	26,74	2,32	47,06	4,81	0,72	1,76	37,36	53,14
8		5	26,78	2,30	48,20	4,40	0,70	1,80	38,32	54,59
9		6	26,80	2,28	48,51	4,32	0,69	1,81	38,48	54,85
10		10	26,01	2,17	47,08	4,22	0,66	1,81	39,00	53,96

Олинган натижалардан кўриниб турибдики, нитрат кислотани меъёри ва тиндириш вақтини мос равишда 90,88-102,30% ва 3-10 дақиқа оралиғида ўзгариши билан фосфоконцентратнинг асосий кўрсаткичларини бир мунча ўзгариши кузатилади.


Кислота меъёри 90,88% ва тиндириш вақти 3-4 дақ. бўлганда КБФКни чиқиш унуми 36,80-37,44%, P_2O_5 ни фосфоконцентратга чиқиш унуми эса 52,22-53,17% ни ташкил этади, бунда фосфоконцентратда P_2O_5 нинг миқдори 26,68-26,70% ва кальцийли модуль эса 1,76-1,77 га тенг бўлади. Тиндириш вақтини 5-6 дақиқага ортиши билан фосфоконцентратни чиқиш унуми ва P_2O_5 ни фосфоконцентратга чиқиш унуми сезиларли даражада кўтарилиши кузатилади ва у мос равишда 38,40-38,56% ва 54,62-54,91% га, фосфоконцентратдаги P_2O_5 нинг миқдори эса 26,74-26,77% га тенг бўлади. Бунда кальцийли модуль сезиларли даражада ўзгармайди ва у 1,78-1,79 бўлган оралиқда ётади. Тиндириш вақтини 10 дақиқага ортиши фосфоконцентратнинг асосий кўрсаткичларига деярли таъсир кўрсатмайди. Нитрат кислотани меъёри 102,30% бўлганда юқоридаги каби ўхшаш ҳолат кузатилади.

Олинган натижалардан шундай хулосага келиш мумкинки, қаттиқ фазани чўкиши эркин ҳолда бўлиб, $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ эритмаси ва сув билан ювишда ҳосил бўлган суспензияларни тиниш вақти 5-6 дақиқа оралиғи фосфат хом ашёсини нитрат кислотали бойитишни мақбул катталиклари бўлиб ҳисобланади. Кейинги тадқиқотларда $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ эритмаси оғирлик миқдорини олинган КБФКни сифат кўрсаткичлари таъсирини тадқиқ этиш мақсадга

мувофикдир. Шунингучун нитрат кислотани 90,88, 102,30 ва 108,0% меъёрларида парчаланиш маҳсулотлари 10%-ли $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ эритмаси билан фосфорит хом ашёсига нисбатан 1:(1,5-3,5) бўлган ораликда ювилиши ўрганилди (2-расм). Натижалардан кўриниб турибдики, P_2O_5 ни фосфоконцентратга чиқиш унумига асосан HNO_3 меъёри ва $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ эритмасининг миқдори кўрсатади. ФХА:10%-ли $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ эритмаси=1:2,5 нисбатда HNO_3 меъёрини 90,88 дан 102,30% ортиши натижасида P_2O_5 ни фосфоконцентратга чиқиш унуми бор-йўғи 52,16 дан 52,62% га, ФХА:10%-ли $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ эритмаси=1:3,5 нисбатда эса 53,41 дан 54,06% га қадар ортиши



2-расм. HNO_3 меъёри ва ФХА: $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ эритмаси нисбатини P_2O_5 ни фосфоконцентратга чиқиш унумига таъсири.



3-расм. P_2O_5 ни фосфоконцентратга чиқиш унумига $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ эритмаси концентрациясини таъсири. HNO_3 меъёри, %: 1 – 90,88; 2 – 102,30; 3 – 113,63.

кузатилади холос. $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ эритмаси концентрациясини P_2O_5 ни фосфоконцентратга чиқиш унумига таъсирини ўрганиш учун ҳам бир қатор лаборатория тажрибалари ўтказилди. Бунинг учун $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ ни кимёвий тоза намунасида 5; 10; 15; ва 25%-ли эритмалари тайёрланди. HNO_3 нинг меъёри фосфат хом ашёдаги CO_2 га нисбатан 90,88, 102,30 ва 113,63% деб олинди. Лаборатория тажрибаларини натижалари 3-расмда келтирилган. HNO_3 меъёри ва $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ эритмасини концентрациясини ортиши билан P_2O_5 ни фосфоконцентратга чиқиш унуми камайиши аниқланди.

Юқори карбонатли МК фосфоритларини нитрат кислотаси билан кимёвий бойитилганда кислотали маҳсулотларни $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ эритмаси ва сув билан икки босқичли ювишда фосфоконцентрат бир қаторда таркибида 9,69% CaO , 2,94% P_2O_5 , 2,8% N и 70,35% H_2O бўлган нитрокальцийфосфат суспензияси (НКФС) ҳосил бўлади. НКФС ни NPSa -ўғитга қайта ишлаш учун унга керакли миқдорда 52,5%-ли нитрат кислота кўшиб, олинган

аралашма ёрдамида 46,70% CaO, 18,80% P₂O₅ ва 15,19% CO₂ таркибга эга бўлган МК фосфорити 50°C ҳароратда парчланди. Бажарилган тажрибаларда эритмани рН муҳити 0,5-3,0 ва ФХА:НКФС нисбати 1:0,5 дан 1:1,0 бўлган ораликларда олинди. Парчаланишдан ҳосил бўлган бўтқалар НРСa-комплекс ўғит олиш мақсадида қуритилди ва донадорланди. НРСa-комплекс ўғит олишнинг мақбул катталиклари аниқланди: НКФС ни рНи 1,0 ва ФХА:НКФС нисбати 1:0,75. Бунда таркибида 15,17% P₂O₅_{сумум.}; лимон кислотаси бўйича 8,20% P₂O₅_{ўз.}; трилон-Б бўйича 6,83% P₂O₅_{ўз.}; 9,38% CaO_{суб.} ва 4,70% N бўлган НРСa-комплекс ўғити олинади.

Юқори карбонатли МК фосфоритларини юқорида келтирилган бойитиш усулининг асосий камчиликлари қуйидагилардир: мақсадли маҳсулот - фосфоконцентратнинг чиқиш унумини пастлиги (35-36%); P₂O₅ ни фосфоконцентратга чиқиш унуми пастлиги (56-60%) ва бойитишда ҳосил бўлган НКФСларни қайта ишлашни қийинчилиги.


МК паст навли фосфоритларини нитрат кислотали кимёвий бойитишдаги юқорида келтирилган камчиликларни бартараф этиш ва юқори самарадор бойитиш технологиясини яратиш учун бу муаммо устида биз тарафдан мунтазам тадқиқотлар олиб борилди. **«Марказий Қизилқум фосфоритларини нитрат кислотаси билан кимёвий бойитишни такомиллашган технологиясини ишлаб чиқиш»** деб номланган учинчи боби ушбу масалаларга бағишланган.

Бойитиш жараёнларини тадқиқ этиш учун (оғир.,%): P₂O₅-17,52; CaO-47,53; CO₂-15,23; SO₃-2,00; Fe₂O₃-1,24; Al₂O₃-1,05; F-2,00; Cl-0,1; CaO:P₂O₅=2,71 ва эримайдиган қолдиқ -7,8 таркибли юқори карбонатли МК фосфат хом ашёси ва HNO₃нинг 58,78%-ли эритмасидан фойдаланилди. HNO₃ нинг меъёри ФХАдаги CaCO₃ ни парчалашга нисбатан 107; 119 ва 143% деб олинди, бу эса хом ашёдаги CaO га нисбатан 45; 50 ва 60% ни ташкил этади. P₂O₅ ни эритмага ўтиб кетишини бартараф этиш мақсадида НКФС аввал муҳит рН=3 бўлгунча аммиак газини билан нейтралланади ва сўнгра суюқ ва қаттиқ фаза вакуум остида филтрлаш усулида ажратилади. Аммиак газини билан нейтраллаганда монокальций фосфат, кальций нитрат ва аммиак ўртасида қуйидаги реакция содир бўлади:



Бунда CaHPO₄ тузи чўкмага тушади ва аммоний нитрат ҳосил бўлади. Вакуум остида филтрланиш пайтида дикальцийфосфат тузи қаттиқ фазада қолиши ҳисобига амалий жиҳатдан барча фосфор фосфоконцентрат таркибида қолади. Бу эса HNO₃ ни юқори меъёрларини ишлатишга ва олинган фосфоконцентрат таркибидаги кальцийли модулни (CaO:P₂O₅) эса янада камайишига олиб келади. Бойитилган фосфоконцентратда кальцийли модуль қанча кам бўлса, унга сульфат кислотали қайта ишлашда шунча кам кислота талаб этилади ва шунча кам миқдорда фосфогипс чиқиндиси ҳосил бўлади. HNO₃ меъёрини ўрганилган ФХА:10%-ли Ca(NO₃)₂ эритмаси нисбатларида фосфоконцентрат таркибидаги P₂O₅ миқдори ва кальцийли модулга таъсири 4-расмда келтирилган. Натижалардан кўриниб турибдики, ФХА:10%-ли Ca(NO₃)₂ эритмаси нисбати 1:2,5 да HNO₃ ни меъёри 45 дан


60% гача ортиши натижасида олинган фосфоконцентрат таркибида $P_2O_{5\text{умум}}$ миқдори 24,67 дан 26,67% гача ортади (1-чизик) ва кальцийли модуль эса 1,66 дан 1,48 гача камаяди (3-чизик). ФХА:10%-ли $Ca(NO_3)_2$ эритмаси нисбати 1:3,0 да олинган фосфоконцентрат таркибида $P_2O_{5\text{умум}}$ миқдори 25,36 дан 26,96% гача ортади (2-чизик) ва кальцийли модуль эса 1,60 дан 1,45 гача камаяди (4-чизик). Олинган натижалар асосида бойитиш жараёнларини мақбул катталиклари аниқланди: HNO_3 меъёри - 50%; $Ca(NO_3)_2$ ни ювувчи эритмаси концентрацияси-10% ва ФХА: $Ca(NO_3)_2$ эритмаси нисбати 1:2,5. Бунда 26,25% $P_2O_{5\text{умум}}$; лимон кислотаси бўйича 11,88% $P_2O_{5\text{ўз}}$; трилон-Б бўйича 7,99% $P_2O_{5\text{ўз}}$; 39,81% $CaO_{\text{умум}}$; лимон кислотаси бўйича 18,50% $CaO_{\text{ўз}}$; 2,32% CO_2 ва 0,92% N бўлган таркибга эга бўлган фосфоконцентрат ҳосил бўлади. Бу фосфоконцентрат 1,52 кальций модулига эга бўлиб, унинг $Ca(NO_3)_2$ дан ювилиш даражаси 94,41% тенг. Сифатли фосфоконцентрат ва янада концентрланган кальций нитрат эритмаларини олиш учун кальций нитратни ажратиб олувчи эритмаларни концентрациясини таъсири тадқиқ этилди. Тажриба натижалари шуни кўрсатдики, ажратиб олувчи кальций нитрат эритмасининг концентрацияси ортиши билан чиқиб кетаётган суюқ фазалар аралашмасидаги унинг концентрацияси ортади. Жараённи мақбул катталикларда олиб борилганда таркибида 6,42% $CaO_{\text{сув}}$ бўлган концентрацияси юқори бўлган ювувчи эритма ҳосил бўлади.




4-расм. рН=3 бўлганда HNO_3 меъёрини фосфоконцентрат таркибидаги P_2O_5 миқдори ва кальцийли модулга таъсири. 1,3-ФХА:10%-ли $Ca(NO_3)_2$ эритмаси нисбати 1:2,5; 2,4- ФХА:10%-ли $Ca(NO_3)_2$ эритмаси нисбати 1:3,0.

Кимёвий бойитиш натижасида олинган фосфоконцентратни ягона камчилиги бу унинг таркибида $\text{CaO}_{\text{сув}}$ ни кўплигидир. Бу эса уни ёпишқоқлигини оширади. Шунинг учун кейинги тажрибаларда сувнинг миқдори ва ҳароратини фосфоконцентрат сифатига таъсири ўрганилди. ФХА: H_2O ва ФХА: $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ эритмаси нисбатини КБФК даги $\text{CaO}_{\text{сув}}$ нинг миқдорига таъсири 5-расмда келтирилган. Бундан кўринадики, сув миқдорини ортиши билан фосфоконцентратдаги $\text{CaO}_{\text{сув}}$ нинг миқдори сезиларли даражада камаяди. Сув миқдори қанча кўп бўлса фосфоконцентратдаги $\text{CaO}_{\text{сув}}$ нинг миқдори шунча кам бўлади. Демак бунда сувнинг миқдори ортиши билан фосфоконцентратдаги $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ ни миқдори камаяди, яъни фосфоконцентратнинг ювилиш даражаси ортади ва кальций модули камаяди.

Шуни таъкидлаш лозимки, юқорида келтирилган ФХА: H_2O нисбатларда КБФКдан $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ ни тўлиқ ажратиб бўлмайди. Ювувчисув миқдорини ортиши билан ҳосил бўлаётган $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ эритмасини концентрацияси камаяди. Нам ҳолдаги КБФК ни ювишда сувнинг миқдоридан ташқари унинг ҳарорати ҳам муҳим роль ўйнайди. Маълумки, $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ нинг сувдаги эрувчанлиги ҳароратга боғлиқдир. Масалан, 20°C да 100 г сувда 128,8 г $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ эриса, 30°C да 149,4 г, 40°C да 189,0 г, 60°C да 359,0 г ва 100°C да 363,0 г эрийди. Бу маълумотларга асосланиб ювувчи сувнинг ҳароратини КБФК сифатига таъсири ўрганилди. ФХА: $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ ни 10%-ли эритмаси нисбати 1:2,0 ва 1:2,5 бўлганда ювувчи сув ҳароратини фосфоконцентрат таркибидаги $\text{CaO}_{\text{сув}}$ ни миқдорига таъсири натижалари 6-расмда келтирилган.



5-расм. ФХА: H_2O ва ФХА: $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ эритмаси нисбатини фосфоконцентрат таркибидаги $\text{CaO}_{\text{сув}}$ ни миқдорига таъсири. HNO_3 меъёри, %: 1- 45; 2-50.



6-расм. Ювувчи сувни ҳароратини фосфоконцентрат таркибидаги $\text{CaO}_{\text{сув}}$ ни миқдорига таъсири. ФХА: $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ ни 10%-ли эритмаси нисбати 1:2,0 (1) ва 1:2,5 (2)

6-расм маълумотлардан кўриниб турибдики, ювувчи сув ҳарорати кўтарилиши билан КБФК даги $\text{CaO}_{\text{суб.}}$ миқдори камаяди. КБФК даги $\text{CaO}_{\text{суб.}}$ миқдорисувни ҳарорати $60-70^{\circ}\text{C}$ да энг кам қийматларга эга бўлади. Бу эса нам фосфоконцентратни ювишда яна бир бор сувни ҳарорати юқорида кўрсатилган ҳароратда бўлиши лозимлигини тасдиқлайди. Бунда $\text{P}_2\text{O}_{5\text{умум.}}=27,04-27,10\%$; лимон кислотали $\text{P}_2\text{O}_{5\text{ўз.}}=12,26-12,28\%$; трилон-Б ли $\text{P}_2\text{O}_{5\text{ўз.}}=8,25-8,29\%$; $\text{CaO}_{\text{умум.}}=39,10-39,21\%$; лимон кислотали $\text{CaO}_{\text{ўз.}}=18,24-18,27\%$; $\text{CaO}_{\text{суб.}}=1,48-1,54\%$; $\text{CO}_2=2,38-2,39$; $\text{N}=0,74-0,77$; $\text{CaO}:\text{P}_2\text{O}_5=1,44-1,45$ таркибга эга бўлган фосфоконцентратлар ҳосил бўлади. Фосфоконцентратларни $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ дан ювилиш даражаси эса $95,68-95,88\%$ га тенг. Кейингитажрибаларда 2-жадвалда келтирилган турли хил таркибли фосфоритларни бойитиш жараёнлари ўрганилди.

2-жадвал

Турли навли Марказий Қизилқум фосфоритларини кимёвий таркиби

Фосфат хом ашёси тури	Асосий моддаларнинг миқдори, %			Бошқалар	$\text{CaO}:\text{P}_2\text{O}_5$
	P_2O_5	CaO	CO_2		
Минер. масса (ММ)	15,06	44,27	14,11	26,56	2,94
Фосфорит уни (ФУ)	16,33	47,13	17,23	19,31	2,89

Маълумки, ММ ювиб куйдирилган фосфорит концентрати ишлаб чиқаришда катта миқдорларда чиқинди сифатида ҳосил бўлади. Юқорида келтирилган фосфоритларни ишлатилган ҳолда ўтказилган лаборатория тажрибалари натижасида уларни бойитишни мақбул шароитлари аниқланди: ФУ учун HNO_3 нинг меъёри 50% ва ММ учун эса 60% ; $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ эритмасини концентрацияси – 10% ва ФХА: $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ эритмаси нисбати $1:2,5$. КБФК нинг таркиби ва бошқа кўрсаткичлари 3-жадвалда келтирилган.

Бу жадвал маълумотлардан кўриниб турибдики, кальцийли модуль ММ ва ФУ асосида олинган фосфоконцентратларда дастлабки фосфоритларга нисбатан мос равишда $1,88$ ва $1,82$ марта камаяди. Улардаги P_2O_5 нинг 2% -ли лимон кислотали шаклини нисбий миқдори мос равишда $45,47$ ва $45,32\%$ га тенг.

3-жадвал

Фосфоконцентратларни кимёвий таркиби

Фосфат хом ашёси тури	Асосий моддаларнинг миқдори, %					$\text{CaO}:\text{P}_2\text{O}_5$	P_2O_5 ни ф/кга чиқиш унуми, %	Ф/К ни $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ дан юв. дар., %
	P_2O_5 умум	P_2O_5 ўзл.	CaO умум.	CO_2	N			
ММ	24,54	11,16	38,28	2,23	1,07	1,56	100	93,47
ФУ	25,02	11,34	39,38	2,38	0,99	1,59	100	94,25

Бу ҳолат шундан далолат берадики, олинган фосфоконцентрат нафақат сульфат кислотали қайта ишлашга яроқли, балки бошқа турдаги фаоллаштирилган фосфор тутган ўғитлар олиш учун ҳам тайёр ярим маҳсулотдир. Маълумки, юқорикарбонатли МК фосфоритларидан нитрат кислота ёрдамида КБФК олишда энг секин босқичи бу НКФС ларни филтрланиш тезликларидир. Шу сабабли кейинги кейинги ишларда НКФС ни филтрланиш тезликлари ўрганилди (4-жадвал). Жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, нитрат кислотани 45-50% меъерларида фосфоконцентрат заррачаларининг ўлчами 19,84 мкм га тенг, 60% ли меъерда эса у 15,68 мкм га тенг. Демак HNO_3 меъерини ортиши билан КБФК заррачаларини ўлчами сезиларли даражада камаяди. КБФК заррачаларини ўлчами кичиклиги туфайли фосфорит суспензиясини HNO_3 нинг мақбул меъерларида (45-50%) филтрланиш тезлиги 212,6-232,0 кг/с·м² га тенг бўлади, бу эса фосфаткислотагипсли бўтқанинг филтрланиш тезлигидан 3-4 марта камдир.


4-жадвал

Фосфоконцентратларни дисперс таркибини уларни филтрланиш тезликлари ва кальций нитратдан ювилиш даражаларига таъсири

HNO_3 меъери, %	Заррачаларни ўлчами _{ўрт.} , мкм	Филтрланиш тезлиги, кг/с·м ²	Ф/К ни $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ дан юв. даражаси, %
35-40	13,03	183,6	93,35
45-50	19,84	232,0	94,60
60	15,68	212,6	94,11

Шу туфайли кейинги тадқиқотларимизда НКФС ларни турли хил коагулянтлар ёрдамида филтрланиш тезликларини оширишга ҳаракат қилдик. Маълумки, коагулянтлар заррачаларни йириклашишига олиб келади ва натижада филтрланиш тезликлари ортади. Тадқиқотлар учун тур хил коагулянтлар танлаб олинди: Гипан-УМ, $\text{Al}_2(\text{SO}_4)_3$, РС-2-3, К-9 ва полиакриламид (ПАА). Коагулянтларнинг концентрацияларини 0,1 дан 0,5% гача олинди. Коагулянтлар концентрациясини НКФС ларни филтрланиш тезликларига таъсири 8-расмда кўрсатилган. 8-расмдаги келтирилган натижалардан кўриниб турибдики, танлаб олинган коагулянтлардан К-9 ва ПАА НКФС ни филтрланиш тезлигига энг кўп таъсир кўрсатади. К-9 қўлланилганда унинг сувли эритмасини концентрацияси 0,1 дан 0,5% гача ортганда филтрланиш тезлиги 350 дан 525 кг/с·м²гача ва ПАА нинг концентрацияси 0,1 дан 0,5% га ортганда эса филтрланиш тезлиги 786 дан 1029 кг/с·м²гача ортиши кузатилади. ПАА қўлланилиши натижасида ҳосил бўлган КБФК да $\text{CaO}_{\text{суб.}}$ нинг миқдори 0,65 дан 1,35% гача ортиши кузатилади. $\text{P}_2\text{O}_{5\text{сумум.}}$ ва $\text{CaO}_{\text{сумум.}}$ миқдорлари эса сезиларли даражада ўзгармайди. Аммо ПАА концентрацияси 0,3 дан 0,5% гача бўлганда олинган КБФК даги $\text{CaO}_{\text{суб.}}$ миқдори ортади.

Шунинг учун ПАА нинг мақбул концентрациясини 0,1 ва 0,2% деб ҳисоблаш мумкин.




7-расм. Коагулянтлар концентрацияларини НКФС ларни филтрланиш тезликларига таъсири: Гипан-УМ (1); $Al_2(SO_4)_3$ (2); РС-2-3 (3); К-9 (4); ПАА (5).

Юқоридаги келтирилган тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, мақбул катталикларда олинган КБФК таркибида 4,4-4,5% $Ca(NO_3)_2$ сақлайди. Шу туфайли КБФК ёпишиб қолади, бу эса фосфоконцентратларни сақлаш, ташиш ва уни ўғитларга қайта ишлашда қийинчиликларни келтириб чиқаради. Олинган КБФК да $Ca(NO_3)_2$ ни миқдорини энг кам бўлишини таъминлаш мақсадида нам КБФК ни ЭФК технологиясида қўлланиладиган фосфогипсни уч босқичли ювиш жараёнидан фойдаланилди. Яъни нам ҳолдаги фосфорит чўкмасини ювишда аввалги циклда ҳосил бўладиган иккинчи ва учинчи филтратлар билан, охирида эса (учинчи ювиш) сув билан ювилади. Бу эса биринчидан, КБФК ни $Ca(NO_3)_2$ дан юқори даражада ювилишига, иккинчидан эса КБФК ни ювиш учун сув сарфини камайтирилишига ва учинчидан, мақсадли маҳсулотларга қайта ишланиши осон бўладиган концентрацияси анча юқори бўлган $Ca(NO_3)_2$ эритмасини олинишига имкон беради. Олинган натижалар 5-жадвалда келтирилган. Натижалардан кўриниб турибдики, агар нам КБФК ФХА: $Ca(NO_3)_2$ эритмаси =1,0:(1,60; 2,29; 2,97) нисбатда ва нитрат кислотанинг меъёри 50% бўлганда уч босқичли ювиш жараёнида таркиби $P_2O_{5\text{умум.}}=25,90-26,11\%$; лимон кислотали $P_2O_{5\text{ўз.}}=11,92-12,32\%$; трилон-Б ли $P_2O_{5\text{ўз.}}=8,16-8,48\%$; $CaO_{\text{умум.}}=39,94-41,13\%$; лимон кислотали $CaO_{\text{ўз.}}=19,12-19,37\%$; $CaO_{\text{сув.}}=0,34-1,08\%$; $CO_2=2,29-2,34$; $N=0,17-0,55$; $CaO:P_2O_5=1,53-1,59$ бўлган фосфоконцентратлар олинади. Бу ерда КБФК ни $Ca(NO_3)_2$ дан ювилиш даражаси 96,52-98,92% га тенг ва олинган кальций нитратнинг концентрацияси 19,91 дан 35,01% оралиғида бўлади.

Уч мартали ювишни қўллаш натижасида олинган кимёвий бойитилган фосфоконцентратларни таркиби

ФХА: Ca(NO ₃) ₂ эритмаси нисбати	Қуритилган ҳолдаги фосфоконцентратларни кимёвий таркиби, %								CaO: P ₂ O ₅	Ф/К ни Ca(NO ₃) ₂ дан юв даража..%
	P ₂ O ₅ умум.	Лим. к- тали P ₂ O ₅ ўзл.	Тр-Б ли P ₂ O ₅ ўзл.	CaO умум.	CaO ўзл.	CaO сув.	N умум.	CO ₂		
Аввалги таклиф этилган технологик схема бўйича (2-мартали ювиш)										
1,0:2,0	25,63	11,55	7,54	40,53	18,32	2,52	1,25	2,45	1,58	92,00
1,0:2,5	26,25	11,88	7,99	39,81	18,50	1,86	0,92	2,32	1,52	94,41
1,0:3,0	26,50	12,06	8,17	39,62	18,60	1,71	0,85	2,27	1,50	94,97
Янги таклиф этилаётган технологик схема бўйича (3-мартали ювиш)										
1,0:1,60	25,90	11,92	8,16	41,13	19,12	1,08	0,55	2,34	1,59	96,52
1,0:2,29	26,02	12,19	8,32	40,01	19,20	0,42	0,20	2,32	1,54	98,66
1,0:2,97	26,11	12,32	8,48	39,94	19,37	0,34	0,17	2,29	1,53	98,92

Лаборатория тажрибалари ва синовлари натижалари асосида лаборатория ва «Самарқандкимё» АЖ даги йириклаштирилган тажриба-синов қурилмаларида паст навли МК фосфоритларини нитрат кислотали кимёвий бойитишни асосий технологик кўрсаткичлари аниқланди.




8-расм. Марказий Қизилқум фосфоритларини нитрат кислотали кимёвий бойитишни технологик тизими: 1-фосфорит учун бункер; 2-лентали оғирлик сарфлагич; 3-ННО₃учун босимли бак; 4-ботирилган насос; 5-ННО₃учун сарфлагич; 6-фосфоритни карбонатсизлантириш реактори; 7-аралаштиргичли репульсатор; 8-аралиштиргичлар; 9-вакуумли филтър; 10-филтратлар учун йиғичлар; 11-марказдан қочма насослар.

Юқори карбонатли МК фосфоритларидан КБФК ишлаб чиқаришни моддий оқими ҳисобланди ва технологик схемаси таклиф этилди (8-расм).

Бунда нисбатан концентрацияси юқори бўлган $\text{Ca}(\text{NO}_3)_2$ эритмаси ҳосил бўлади ва уни суяқ ўғит сифатида тўғридан-тўғри ишлатиш ёки аммиак ва карбонат ангидрид иштирокида конверсия қилиб аммиакли селитра ва бўрга айлантириш мумкин. Фосфоритларни нитрат кислотали бойитишда олинган 26% ли P_2O_5 бир тонна КБФК нинг таннарни 213 104 сўм бўлиб, у ЮКФК га нисбатан 28 016 сўм арзон.

Диссертациянинг «**Марказий Қизилқум паст навли фосфоритларини хлорид кислотали кимёвий бойитиш**» деб номланган тўртинчи бобида турли навдаги фосфоритларни хлорид кислотали қайта ишлашда кўпикланиш ва бу фосфоритларни бойитиш жараёнлари, олинган КБФК ларни баъзи физик-кимёвий хоссалари ва улар асосида фосфорли ўғитлар олиш маълумотлари келтирилган.

